Газета 1997 йил 27 августдан чиқа бошлаган

1999 йил, 3 феврал, чоршанба # 5 (69)

МУСТАҚИЛЛИК ДЕМАКДИР

ҲУҚУҚ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда шу йилнинг 30 январидан 30 февралгача ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда.

Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳри металлургилар ва кончилар шаҳри. Бу ерда юз мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шаҳарда ҳаракат хавфсизлиги тадбирлари юзасидан ҳам эътиборга молик ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, маҳаллаларда, корхоналарда, ўқув даргоҳларида, болалар боғчаларида давлат автомобил назорати ходимлари томонидан тушунтириш ишлари ўтказиляпти.

Суратларда: Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлими ДАН бўлинмаси йўл-патрул хизмати инспектори Илҳом Қаршибоев (юқорида). Шаҳар ИИБ ДАН бўлинмаси катта йўл муҳандиси, милиция майори Э.Яхшиев ва шу бўлинманинг йўл-патрул хизмати нозири, милиция сержанти У.Файзуллаевлар (чапдаги сурат) ҳайдовчининг ҳужжатларини кўздан кечирмоқда.
Шаҳар ИИБ ДАН бўлими йўл-патрул хизмати взвод командири, милиция капитани F. Қосимов иш пайтида.

Матн ва суратлар муаллифи А.МАМАТҚУЛОВ.

ХАБАРЛАР ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР

Маълумки, ўзбек кураши жаҳон спорти оламида янги спорт тури сифатида тан олинди. Яқинда жаҳоннинг 28 та давлати вакиллари ташаббуси билан Халқаро «Кураш» Ассоциацияси ташкил этилди. Шу муносат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти 1999 йил 1 февралда «Халқаро «Кураш» Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Фармон қабул қилди.

***

Яна бир қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди. Бу - «Ўрмон тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳасидир.

***

Голландиянинг Вейк-ан-Зей шаҳрида жаҳоннинг энг кучли шахматчилари ўртасида ўтказилган супертурнир ниҳоясига етди. Бундай нуфузли халқаро мусобақада илк марта қатнашган ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов пировардида 5 очко тўплаб, 11-ўринни эгаллади. Ушбу мусобақа келажаги порлоқ иқтидорли ёш шахматчимиз учун ўзига хос катта тажриба мактабини ўтади, дейиш мумкин.

(Матбуот хабарлари асосида тайёрланди).

НОҚОНУНИЙ БУЙРУҚЛАР ВА ҲАҚЛИ САВОЛ

СОЛИҚ КОДЕКСИНИНГ 8-МОДДАСИГА МУВОФИҚ СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИНИ ФАҚАТГИНА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ БЕЛГИЛАЙДИ. ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ЭСА...

2-б.

ШИКОЯТ ТАСДИҒИНИ ТОПМАДИ

Текшириш учун юборилган шикоят хатларининг айримларига ана шундай мазмунда жавоб хати олинмоқда.

3-б.

БАЪЗАН БИЛИБ, БАЪЗАН БИЛМАЙ...

ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРАЁТГАН ЁШЛАР СОНИНИ КАМАЙТИРИШ БОРАСИДА КЎРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ХУСУСИДА СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ ПРОКУРОРИ ЭРКИН АБЗАЛОВ «ҲУҚУҚ» МУХБИРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ.

5-б.

Митти ҳажвиялар, Кроссворд, Турфа олам хабарлари, Хандалар

8-б.

ТАРОЗИ, ТАРОЗИДАН ХУДО РОЗИ

Бозордаги тарози нари борса инсоннинг 50-100 сўм пулига хиёнат қилар, аммо бу ерда хиёнатга қўл урилса одамнинг хонимони куйиб кетиши турган гап.

6-б.

БИР ДАҚИҚАЛИК САРХУШЛИК

ГУЛДЕК ЖУВОННИНГ УМРИГА ЗОМИН БЎЛДИ.

7-б.

ТАЙИНЛОВ

Эшмамат Бердимуротов 1953 йилда Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида туғилган, ўзбек. 1981 йилда Тошкент Давлат университетининг юридик факультетини тамомлаган. Прокуратура идораларида 1985 йилдан буён хизмат қилади. Вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори, туман прокуратураси терговчиси, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, туман прокурори, Бухоро вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, 1997 йил август ойидан Сирдарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1999 йил 28 январ кунги буйруғи билан Сирдарё вилоят прокурори лавозимига тайинланди.

● *Солиқ ва қонун*

НОҚОНУНИЙ БУЙРУҚЛАР ВА ҲАҚЛИ САВОЛ

Мамлакатимизни жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторида кўрмоқчи эканмиз, бунинг учун биздан аввало фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш талаб этилади. Қонун устивор бўлган, унга сўзсиз риоя этиладиган жамиятда барча муаммолар ўз ечимини топиши шубҳасиз.

Яқинда Республика Прокуратураси умумий назорат бошқармаси ходимлари Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитасида ҳуқуқий ва бошқа норматив ҳужжатлар юритилишининг қонунийлиги юзасидан текшириш ўтказдилар. Унда Давлат солиқ қўмитаси (ДСҚ) раҳбарияти буйруқлари, кўрсатмалари, дастурлари ва расмий идора хатлари ўрганилди.

Текшириш якунларини сарҳисоб қилинганида ДСҚ фаолиятида ҳужжатлар юритиш борасида жуда кўп хатоларга йўл қўйилганлиги аён бўлиб қолди. Мисол учун, ДСҚ ва Молия вазирлигининг даромад солиғи тўлаш муддатлари ҳақидаги 1998 йил 20 апрелда чиқарилган 98-52-сонли, 04-01-06/239 рақамли тушунтирув баённомасини олайлик. Унинг 5-бандида жазони ўташ ташкилотларининг айрим ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда улар белгиланган солиқларни жорий (ҳисобот) ойдан кейинги ойнинг 25-кунигача тўлашлари мумкинлиги айтилади. Бу Солиқ кодексининг 63-моддаси талабларига зиддир. Мазкур моддада юридик шахслар муайян ой учун белгиланган солиқларни кейинги ойнинг 5-кунигача тўлашлари зарурлиги таъкидланади. Яна шуни айтиш керакки, Солиқ кодексининг 8-моддасига кўра солиқ ставкалари ва тўлов тартибини фақатгина Вазирлар Маҳкамаси белгилайди. Юқоридаги ҳолатда эса ДСҚ ва Молия вазирлиги ўзбошимчалик билан иш юритганлар.

ДСҚ раиси буйруқларининг баъзи бандлари ҳам ноқонуний-дир. 1998 йил 7 февралда 27-рақамли буйруқнинг 4-банди билан Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат солиқ бошқармаларига мусодара қилинган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларнинг нархлари муддатларини ҳокимиятлар томонидан қисқартириш чора-тадбирларини кўриш буюрилади. Бу Ўзбекистон Президентининг 1997 йил 12 июнда эълон қилинган «Тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони талабларига зиддир. Ҳолбуки, мусодара қилинган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга бир ойлик муддат билан нархлар қўйилиши ва улар фақат махсус дўконлар орқали савдога чиқарилиши лозим.

Давлат солиқ қўмитасида шундай «адашишлар» рўй бераётган экан, унинг қуйи бўғинларида аҳвол қандайлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Гап пул, маблағ тўғрисида кетганда ДСҚдагилар ҳеч нарсадан қайтмасликлари қуйидаги фактдан яққол билиниб турибди. 1998 йил 24 мартда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органларида узоқ муддат хизмат қилган ходимлар ойлик маошига қўшиладиган устама ва бир йўла тўланадиган мукофотлар тўғрисида»ги Низомнинг 5,4-бандида айтилишича, юқоридаги масала бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри комиссиялари қарорларидан норози бўлган ходимлар шикоят билан ДСҚ комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин. ДСҚ комиссияси қарори якунловчи қарор ҳисобланади.

Ушбу Низомнинг 5,4-банди ташланмаса-да, бироқ вақтисоати билан унинг ижобий натижалари албатта бўй кўрсатиши аниқ. Менинг таклифим, ана шу муаммоларнинг ечимини топиб, унга барҳам беришдир.

Шу ўринда мени ўйлантириб келаётган бир фикр билан ўртоқлашсам. Билишимча, ўрта таълим мактабларида ҳуқуқшунослик фанидан 32 соат дарс ўтилар экан. Агар ўқувчи ўрта мактабни 17 ёшда тамомлашини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ёшдан кейин унга ҳуқуқий билимни сингдириш жараёни анча қийин кечади десак янглишмайман. Чунки бу ёшда унинг онги шаклланиб бўлган бўлади. Бу нарса психологияда ҳам мавжуд. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, менимча ҳуқуқий билимни ўрта таълим мактабларидан бошлаш керак. Ҳуқушунослик фани бўйича дарс соатлари кўпайтирилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Жаҳонгир ҚОРАБОЕВ,
«Ҳуқуқ» мухбири.

● *Ахборот*

Ҳуқуқий билимлар куни

Яқинда Қашқадарё вилоят прокуратураси ходимлари хайрли ташаббус билан чиқишди. Вилоят миқёсида ҳар ойнинг охирги чоршанбаси ҳуқуқий билимлар куни деб эълон қилинди. Бу ишни амалга оширишда вилоят ҳокимияти, адлия бошқармаси ва Ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳамкорлик қилишади. Аҳолининг ҳуқуқий билимлари савиясини ошириш энг долзарб бўлиб турган бугунги кунимизда вилоят прокуратураси ходимларининг ушбу ташаббуси муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан, мазкур ташаббус бутун республикага жорий қилинса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Айниқса, ушбу муҳим тадбирни амалга ошириш ва қўллаб-қувватлашда изчиллик керак бўлади.

(Ўз мухбиримиз).

● *Якун ва таҳлил*

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши жараёни тобора жадаллашиб бормоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида иқтисодиёт, ҳуқуқ ва бошқа соҳаларда кўзга кўринарли ўзгаришлар юз берди. Халқимизнинг дунёқараши, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.

ҲУҚУҚИЙ МАЪРИФАТ - БОШ МАСАЛА

Тошкент Давлат юридик институти ҳузуридаги «Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази»нинг ҳисобот йиғилишида унинг ўтган йилги фаолияти, ютуқ ва камчиликлар атрофлича муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар Марказнинг ҳисобот давридаги фаолиятига ижобий баҳо бериб, келажакда бундан ҳам кўпроқ хайрли ишлар амалга оширилишига ишонч билдирдилар.

Биз йиғилишда билдирилган баъзи фикр-мулоҳазаларни қоғозга туширдик:

З. Исломов,
Марказ директори:

- Мен энг аввало, бугунги йиғилишимизда айтиб ўтилган фикрларнинг холислиги, яхлитлиги ва танқидий йўналишга эгалигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказимизнинг асосий мақсади - аҳоли ҳуқуқий билимини ошириш, улар ўртасида қонунларни тарғибот қилишдан иборат. Бу борада Адлия вазирлиги, Республика прокуратураси, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ишлашни йўлга қўйганмиз. Марказимиз аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида Тошкент давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари, таниқли ҳуқуқшунослар иштирокида маҳаллаларда, жамоа хўжаликларида, корхоналарда, ўқув юртларида қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг моҳияти тўғрисида кўплаб тушунтириш ишлари олиб борди.

Амалга оширилган ишлар, ютуқлар анчагина. Бироқ, бизни қийнаб келаётган муаммолар, камчиликлардан барибир кўз юмиб ўтолмаймиз. Масалан, жойлардаги минтақавий бўлимларимиз талаб даражасида ташкил этилмаган. Ҳатто вилоятлардаги баъзи бўлимларимизнинг офиси йўқ. Кадрлар масаласида ҳам муаммоларимиз йўқ эмас.

Қ.Холмуродов,
Марказнинг Жиззах вилояти бўлим раҳбари:

-Марказимизнинг амалга ошираётган ишлари яққол кўзга марказнинг ўз рўзномасини чоп этишни ташкил этиш керак.

И.Мардонов,
Марказнинг Бухоро вилояти бўйича бўлим раҳбари:

- Биз адолатли фуқаролик жамияти сари бормоқдамиз. Шунинг учун ҳам фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий тарбияси энг муҳим ва долзарб муаммолардан биридир. Марказимизнинг асосий вазифаси ҳам билан, биринчидан, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқи қўпол равишда чекланаяпти. Зеро, солиқчилар ҳам мамлакатимиз фуқароларидирлар. Конституциямизнинг 35-моддасига кўра эса ҳар бир фуқаро давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига шикоят ва аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Иккинчидан, 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши юзасидан судларга мурожаат қилишлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 1-моддасига асосан, фуқаролар давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ёки мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари ва қарорлари ўз ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайди деб ҳисоблаган тақдирларида, судларга мурожаат этишга ҳақлидирлар. Кўриниб турибдики, ДСҚ комиссияси қарори якунловчи қарор деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Ходимларни ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказиш, меҳнат таътилидан чақириб олиш юзасидан чиқарилган кўплаб буйруқлар Меҳнат кодекси талабларига мос келмаслиги аниқландики, бу юқорида айтиб ўтганимиздек, ДСҚда қонун бузилиш ҳолатлари деярли одат тусига кириб қолганлини билдиради. Шуниси ажабланарлики, ДСҚда В.Жабборов бошчилигида ҳуқуқ бўлими фаолияти олиб боради. Улар қабул қилинаётган қарор ва буйруқларнинг қонунийлигини таъминлаш ўрнига шу пайтгача нима иш қилиб келганлигини тушуниш қийин.

Жаҳоннинг қайси бир мамлакатини олиб қарамайлик, солиқлар ҳукумат таянчи ҳисобланади. Биз шунга эришишимиз керакки, одамлар солиқ тўлар эканлар, давлат хазинасига тушаётган маблағ эвазига маошларининг ўз вақтида тўланишига, давлат томонидан ижтимоий ҳимоянинг кучайтирилишига, фан ва маданиятнинг гуллаб яшнашига ва ниҳоят, халқнинг турмуши фаровонлашувига ишонсинлар. Бунинг учун эса аввало солиқчиларнинг ўзлари қонунларга сўзсиз риоя этишлари керак. Ушбу танқидий мақолада давлат Солиқ қўмитаси раҳбарияти, ходимлари етарли хулоса чиқариб оладилар деб умид қиламиз.

Ўринбой МИРАЛИМОВ,
Республика Прокуратураси умумий назорат бошқармаси прокурори.
Ҳасан НИШОНОВ, журналист.

Болалигим, сени соғиндим...

А.МАМАТҚУЛОВ сурати.

КИСКАЧА

Айни кунларда мамлакатимизда АҚШ, Франция, Германия ва Япония сингари давлатларда таҳсил олиш учун беллашаётган иқтидорли ёшлар кўрик танлови давом этмоқда. «Умид» жамғармаси томонидан ўтказилаётган бу танловда 300 нафар йигит-қиз голиблик қўлга киритади.

Россия Федерациясининг Тожикистондаги чегара қўшинлари қўмондони генерал Н.Резнечинконинг таъкидлашича, 1999 йилда ҳам Россия Федерациясининг чегара қўшинлари ушбу мамлакатдан олиб чиқиб кетилмайди. Шу кунгача қўшинлар сони 30 фоизга қисқартирилган.

Покистон ҳукумати афғонларнинг «Толибон» ҳаракати дипломатик вакилларини мамлакат ҳудудига киритмасликка қарор қилди.

• *Мулоҳаза*

ШИКОЯТ ТАСДИҒИНИ ТОПМАДИ

Азалдан халқимизда мактубларни оқ кабутарларга қиёс қилишади. Бунда чуқур мазмун бор. Чунки оқ кабутарлар қадимдан тинчлик элчиси, хушхабарларни етказувчи бўлишган. Бугунги кунда оқ кабутарларнинг ўрнини қудратли темир қанот «куш»лар эгаллади. Улар минг-минглаб кишиларнинг дил тилаклари, қувончу ташвишлари битилган мактабларни ўз манзилига етказади. Ана шундай мактублардан баъзилари ҳар тонг тахририятимиз почта қутисига келиб тушади. Уларни ўқиймиз. Кимдир жойлардаги қутлуғ ишлар ҳақида илҳом билан ёзса, бошқа бир муштариймиз ўзи гувоҳ бўлган адолатсизлик ҳақида дард билан ёзади. Яна бир мухлисимиз ўз арзини оқ қоғозга муҳрлаб бизга йўллайди.

Шикоят хатларининг айримларига ана шундай мазмунда жавоб олинмоқда

«1998 йил 11 сентябрь куни ўғлим Абдуқодир Сафаровни душманларимиз вахшиёна ўлдирганлар – деб ёзади Шаҳрисабз туманидаги Оқдарё ширкат хўжалигининг «Тамшун» қишлоғида яшовчи А.Сафаров, эксперт хулосаси бўлмасада, прокурор тахминий тўхтамга келиб, ўғлимни от судраб ўлдирган, деб хулоса чиқарган. Сизлардан умидим, ўғлимнинг қотилини топиб қонуний чора кўришда ёрдам берсаларингиз».

Бу ёруғ оламда отанинг ўз фарзандини тупроққа қўйишидандa оғир мушкулот бўлмаса керак. Биз жабрдийда ота Аҳмад Сафаровга Оллоҳдан сабр тилаймиз. А.Сафаровнинг шикоятидаги далилларни текшириб кўриш учун унинг хатини Қашқадарё вилояти прокуратурасига юборган эдик. Яқинда ушбу шикоят хатига Қашқадарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси С.Азизов имзоси билан жавоб олдик. Унда шундай дейилган:

«...Ушбу ҳолат юзасидан Шаҳрисабз туманлараро прокуратураси терговчиси А.Муҳаммадиев томонидан текшириш олиб борилиб, 1998 йил 24 ноябрь куни ЖПКнинг 83-моддаси 2-банди ва 333-моддаларига асосан жиноят иш қўзғатиш рад қилинган. 1998 йилнинг 21 декабрида терговчи А.Муҳаммадиевнинг ушбу қарори бекор қилиниб, текшириш ҳаракатлари олиб бориш учун материал Шаҳрисабз туманлараро прокурорига юборилди».

Бизнинг мақсадимиз битта: бизга умид билан ёрдам сўраб мактуб битган ҳар бир фуқаронинг иши ижобий ҳал бўлсин дейиз.

Яна бир шикоят хатининг муаллифи - Пахтачи туманидаги К.Ражабов номли жамоа хўжалигининг 3-бригадасида яшовчи фуқаро Аҳмад Илёсовнинг ёзишича, участка инспектори, милиция капитани Д.Қувондиқов унинг ҳақ-ҳуқуқини поймол қилган.

Шикояти сўнгида:** «Таҳририят менинг ҳақ-ҳуқуқларимни, шаъним ва қадр-қимматимни тиклашда ва айбдор шахсларнинг тегишли жазосини олишда ёрдам беради, деган умиддаман»* ***дейди.

Таҳририят ушбу шикоятни ўрганиб кўриш учун Самарқанд вилояти прокуратурасига юборган эди. Яқинда Самарқанд прокуратурасидан ушбу шикоят хати юзасидан расмий жавоб олдик. Унда:

«... Самарқанд вилояти ИИБ шахсий таркиби бўйича махсус инспекция ходимлари томонидан ўтказилган хизмат текшируви жараёнида Пахтачи туман ИИБ участка инспектори, милиция капитани Д.Қувондиқовнинг фуқаро А.Илёсовнинг аризасида кўрсатилган номуносиб хатти-ҳаракатлар ўз исботини топмаган» ***дейилган.***

Афсуски, айрим фуқароларимиз жойларда ҳал бўладиган муаммоларни энг юқори ташкилотгача ёзишади. Энг ачинарлиси, қанчалаб ташкилотлар ходимларининг қимматли вақтларини ўғирлайди. Бунинг билан биз юқори ташкилотга шикоят ёзиш керак эмас, деган фикрни айтмоқчи эмасмиз. Ҳар бир фуқаро қайси ташкилотга қандай ёрдам сўраб ариза ёзишни билиши керак, демоқчимиз.

Яна бир шикоят хатини эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

«Сизларга ёрдам сўраб мактуб ёзишимнинг сабаби, ўғлим Соҳибжон Ҳакимовни ноқонуний жиноий жавобгарликка тортишди, - ***дейди Пастдарғом туманидаги К.Турдиев жамоа хўжалигининг Равот қишлоғида яшовчи Хосият Ҳакимова.*** *- Ўғлим жамоа хўжалигида бунгдой экилган далаларга қоровуллик қиларди. Экинни пайхон қилган молга қарата қўлидаги ўроқни отган. Оқибатда Мавлон Умаровнинг моли жароҳатланган. Сурсулардан сўнг ўғлим жавобгарликка тортилди».*

Ушбу шикоят хатига ҳам Самарқанд вилояти прокуратурасидан расмий жавоб хати олдик. Унда шундай дейилган:

«...1998 йил 24 июнь куни соат 14.00 да Пастдарғом тумани К.Турдиев жамоа хўжалигининг Равот қишлоғида яшовчи фуқаро Соҳибжон Ҳакимов фуқаро М. Умаровга тегишли бозор нархи 50000 сўм бўлган бир бош сигирни ўроқ билан уриб нобуд бўлишига сабабчи бўлган. Ушбу ҳолат юзасидан 1998 йил 28 июнь куни Пастдарғом тумани ИИБ терговчиси Ш.Исанов томонидан ЎзР ЖК 173-моддасининг 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилган, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилган.

... Мазкур жиноят иши 1998 йил 30 октябр куни Пастдарғом тумани суди томонидан кўрилиб, С.Ҳакимовнинг қилмиши ЖКнинг 229-моддаси ва 277-моддаси 2-қисми «г», «е» бандларидан ЖК нинг 173-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиниб, у ушбу модда билан айбли деб топилиб, унга 2 йил ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланган. Суд ҳукми устидан томонлардан шикоятлар ва протестлар келтирилмаган».

Расмий жавобнинг сўнгги сатрларига эътибор берган бўлсангиз, «Суд ҳукми устидан томонлардан шикоятлар ва протестлар келтирилмаган», дейилган.

Кейинги йилларда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш тўғрисида кўп гапирилмоқда. Ўз ҳақ-ҳуқуқини билмаган фуқаро ҳар қадамда сурилиши, муаммоларга дуч келиши муқаррар (агар бизга шикоят ёзган Х.Ҳакимова ҳам ҳукмдан норози бўлгач, вилоят судига 10 кун ичида ариза билан мурожаат қилганида эди, унинг эътирозлари инобатга олиниб, иш у ўйлаганчалик ҳал бўлиши мумкин эди. Энди эса...).

Таҳририятимизга ҳар куни юқоридаги мазмундагидек кўплаб мактублар келмоқда. Биз уларни текшириб, чора кўриш учун мутасадди ташкилотларга юбормоқдамиз. Айримлари юзасидан журналист текширувлари ўтказилмоқда. Энг асосийси, ҳар бир ариза таҳририятнинг назоратига олинган.

З.МАМАДАЛИЕВ,
«Ҳуқуқ» мухбири.

• *Жиноятга жазо муқаррар*

РАИС жазосини олди

Йўлдош Чориев «Руслан-автокорхона» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси курсисини эгалладию, босар-тусарини билмай қолди. Инсоф-диёнатни, масъулиятини унитди. Ҳатто қонундан ҳам ҳайиқмай қўйди. Ўзини хон-қўланкаси майдон деб билди.

Раис мижозларга техника хизмати кўрсатишда олдиндан ўн беш фоиз тўлов талаб қилиш лозимлигини ўйламади. Шу тарика жамоада 1998 йил 1 январь ҳолатида 198 та ташкилотдан 25 миллион 658 минг 600 сўмлик дебитор қарзлари юзага келишига сабабчи бўлди. Шундан 10 миллион 780 минг 500 сўми муддати ўтган дебитор қарзлар эди. Ажабланарли жойи шундаки, ана шу маблағни хўжалик суди орқали ундириб олиш чораларини кўрмасдан, жамоа манфаатларига жиддий зиён етказиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКсининг 287-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этди.

Раис Жарқўрғон «Пахтабанк»идан ҳисобот бериш шарти билан мақсадсиз олинган 200 минг сўм нақд пулга туман улгуржи-чакана матлубот ҳиссадорлик жамиятига қарашли дўконлардан гуруч ва шакар маҳсулотлари харид қилади. Бироқ тўлов варақалари (ведемостлари) тўлдирилиб, гўё одамларга нақд пул тарқатилди деб имзо қўйдириб олишган. Бу хатти-ҳаракат ҳам ҳиссадорлар манфаатига зиддир.

Чориев ўз жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттириб, мансаб ваколатини суиистеъмол қилган ҳолда 245 литр бензинни таниш-билишлари ва қариндош-уруғларига бердириб юбориб, «ҳотамтой» раис бўлиб танилди.

У бора-бора шу даражага етдики, ҳатто ихтиёрида бўлган кўп миқдордаги жамоа мулкини ўзлаштиришдан ҳам ҳазар қилмай қўйди.

Й.Чориев тижорат ишлари бўйича муовини Э.Зиноновга «Азимут» кичик корхонасидан баллон ва аккумулятор олиб келиш учун ишонч хати беради. Зинонов ушбу корхонадан ҳар бири 15 минг сўм бўлган уч дона автошина, 15 минг сўмлик битта аккумлятор, ҳар бири 1250 сўмлик тўрт дона камера, ҳар бир килограмм 300 сўмдан ўттиз килограмм электрод, жами 74 минг сўмлик товар олади. Уни ҳиссадорлик жамиятига кирим қилмасдан уч дона автошина ва бир дона аккумуляторни раиснинг уйига олиб бориб беради. Шахсан Чориевнинг ўзи бу товарларни олиб қолган. Вазиятдан фойдаланган олғир Зинонов ҳам ўз ҳақини ажратиб камера ва электродларни ўзлаштириш мақсадида уйига олиб кетади.

Раис ва унинг муовини ҳар қанча важ кўрсатишмасин, муқаррар жазодан қочиб қутилишолмади.

Д.АБДУРАҲМОНОВ,
Жарқўрғон туман прокурори.

• *Сўраган эдингиз*

«Ҳуқуқ»нинг шу йилнинг 20 январ сонида айтиб ўтилган деҳқон хўжаликларига бериладиган ер майдони айнан шунча миқдорда бўладими?

К.ШАРОПОВ,
Қашқадарё вилояти,
Деҳқонобод тумани.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари(ширкат хўжаликлари) аъзоларининг, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ходимларининг оила аъзоларига, шунингдек қишлоқ жойларида яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оила аъзоларига

- суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача
- суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача
- чўл ва сахро минтақаларда бир гектаргача бўлган ўлчамда берилади.

Энди шу ерда яна бир ҳолат хусусида тўхталиб ўтамиз. Бу фермер хўжалиги сифатида фаолият юритувчи деҳқон хўжаликларидир.

Деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган хўжалик деганда, фермер хўжалиги сифатида рўйхатга олинган, лекин кишлоқ хўжалигида фақат бир турдаги маҳсулот (пахтачилик, галлачилик, боғдорчилик, узумчилик, сабзаватчилик ва ҳо.) етиштириш билан шуғулланувчи, юридик шахс мақомига эга бўлган, мустақил хўжалик фаолияти юритувчи субъект тушунилади.

Деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалигининг деҳқон хўжалигидан фарқли томони: биринчидан, ер участкаси деҳқон хўжаликлари сингари умрбод эгалик қилиш учун эмас, балки маълум бир муддатга, яъни эллик йилгача бўлган, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилади;

иккинчидан, улар ўз фаолиятида хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатидан ташқари, бошқа шахсларни ҳам меҳнат шартномаси асосида жалб этишлари мумкин;

учинчидан, фақат бир турдаги маҳсулот етиштиришга ихтисослашганлиги.

Деҳқон хўжалиги янги ташкил этилаётган бўлса, мазкур худудда камида уч йил яшаган шахслар ер участкаси олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Агарда қишлоқ худуди ҳисобланган жой шаҳар таркибига ўтказилган тақдирда, ана шу худудда жойлашган қишлоқ хўжалиги кооперативи(ширкат хўжалиги) аъзолари, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари, ташкилотларида узлуксиз равишда беш йилдан ортиқ ишлаган ходимлар, ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оила аъзоларига деҳқон хўжаликлари юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга, уларнинг иш жойларидан белгиланган ўлчамдаги ер участкаси берилиши мумкин.

Деҳқон хўжаликлари томорқа ер участкасидан:

- қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиши;
- ерга зарар етказмаслиги ;
- ерни асраш ва унинг унумдорлигини ошириб бориши; ҳамда булар юзасидан сарф-харажатлар қилиши;
- янги берилган ер участкасидан бир йил ичида фойдаланишга киришиш;
- агротехника қоидаларига риоя қилиши шарт.

Фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун 0,06 гектар доирасида томорқа ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кимошди савдоси асосида реализация қилиниши мумкин.

Д.ХАЛИЛОВ тайёрлади.

Бугунги кунимизда аёллар нафақат оила таянчи, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ҳам муҳим бўғин ҳисобланади. Қанча-қанча аёлларимиз меҳрибон она, ажойиб уй бекаси бўлиш билан бирга турли соҳаларда фаолият кўрсатиб, халқимизнинг ҳурмат-эътиборини қозонмоқда. Ана шундай аёлларидан бири, Тошкент вилояти прокуратураси судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурорлик ваколатини таъминлаш бўлимининг бошлиғи Василахон Тошхўжаевадир.

Васила опа ўзининг 30 йиллик иш фаолияти давомида мана шу сермашаққат соҳада самарали меҳнат қилиб келмоқда. Айни пайтда, Васила опа газетамизнинг энг фаол жамоатчи мухбирларидан биридир. Қуйида Васила опа қаламига мансуб мақолада бир жиноят тафсилоти билан танишасиз.

ГАЗАКДАН ЧИҚҚАН ЖАНЖАЛНИНГ ОҚИБАТИ

Ҳаёт инсонга бир марта берилади. Шунинг учун ҳам ҳаётнинг қадрига етиш, уни фақат инсоният учун фойдали ишларга сарфлаш лозимдир. Буни етук одамлар жуда яхши ҳис қилишади, ҳаётларини фақат эзгуликка бахшида этишади. Лекин шундай инсонлар ҳам борки, улар ўзларининг маънавий қашшоқликлари туфайли жамиятга ҳам зарар етказадилар.

Республикамиз Конституциясининг 24-моддасида ҳам «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», деб кўрсатилган. Инсон ҳаётига суиқасд қилишдек оғир жиноятларни содир этганларга нисбатан Жиноят кодексида энг оғир жазолар, ҳатто отишга ҳукм этиш ҳам белгилаб қўйилган. Лекин шунга қарамай, сўнгги пайтларда бу каби оғир жиноятлар учраб турибди. Яқинда, Янгийўл туманида содир этилган қотиллик жиноятининг кўпчиликнинг қалбини ларзага солди. Бир йўла учта инсоннинг қонини тўккан қотилни инсон деб аташга тили бормайди, кишининг.

Машъум жиноятга қўл уришга уни ким мажбур қилди? Тўғриси, бу саволга Рашиднинг ўзи тайинли жавоб айтолмади. Тергов ва суд жараёнида Рашид Фаёзов ҳаммасини эслади. Унинг ўз айбига иқрор бўлиб, берган кўрсатмасига кўра, воқеа шундай содир бўлган:

Ўша куни кечки пайт Рашиднинг таниши Р.Бағиров уни ўзи қоровуллик қиладиган «Гулшан» хусусий иссиқхонасининг қоровулхонасига таклиф қилади. Улар қоровулхона вазифасини ўтаётган 1-вагончада роса «отамлашиб» ўтиришади. Вагончада улардан ташқари, яқинда ишга келган Е.Кузьмин ҳам бор эди-ю, лекин негадир у ичимлик ичмасдан ўтирарди. Шишадош улфатлар ичкиликни меъёридан оширишади. Тўсатдан Рашидга қовурилган балиқни газак қилиш ёқмай қолади. У Бағировни сўка бошлайди. Бағиров ҳам уни аяб ўтирмайди. Шунда кўзи қонга тўлган Рашид столда турган пичоқни қўлига олади. Ичкилик таъсирида бири-биридан ботир бўлиб кетган улфатлар кучларини кўрсатишга ўтиб, жанжални авжига чикаришади. Рашид оғзи шалоқ улфатининг сўкишларига чидаб туролмади. У Бағировнинг кўксига пичоқ санчди, яна санчди, санчаверди. Бу жанжаллардан довдираб қолган Е.Кузьмин уларни ажратмоқчи бўлди. Йўқ, ажратолмади. Тез орада Рашиднинг қўлидаги пичоқ Кузминнинг кўксига ҳам санчилди. Бир маротаба эмас 6 маротаба санчилди. Шовқин-суронни эшитган 2-вагондаги «Озод» хусусий иссиқхонасининг қоровули 80 ёшли Раҳим ота югуриб келади. Вагончадаги қиёмат-қойимни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолади ва тутила-тутила Рашидга:

- Милицияга хабар бераман, ёки ўзинг хабар қил, - деб ўз вагончасига йўл олади. Лекин, ваҳшийлашиб кетган Рашид унинг изидан етиб боради ва жиноятини яшириш мақсадида Раҳим отани ҳам пичоқлайди.

Ҳа, 80 ёшли Раҳим отанинг кўзлари инсониятнинг ваҳшийлиги олдида ҳайронликда бокканча очиқ қолди...

Бу даҳшатли воқеадан шу куни ҳеч ким хабардор бўлмайди. Эртасига бу машъум хабар ҳамма ёққа тарқалди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг сайъи-ҳаракатлари туфайли тезда жиноят тафсилотлари аниқланди. Қотил ушланди.

Суд Р.Фаязовни учта инсонни шафқатсизларча ўлдириб, ўта оғир жиноятни содир этганлиги учун отишга ҳукм қилди.

Мана, ичкилик таъсирида ҳаддидан ошган фуқароларнинг қилмишлари туфайли тўртта оилада аза очилди. Жамиятга қанчадан-қанча фойда келтириши мумкин бўлган инсонлар ана шу ичкилик туфайли ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ ҳаётдан кўз юмиб кетишди.

Бундай фожиаларнинг келиб чиқишига жойлардаги ҳуқуқ-тартибот идораларининг, участка нозирларининг яхши ишламаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Агар улар ҳушёр туришганида, маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорликда ишлаб, Р.Фаязов, Р.Бағировдек алкогол ичимликлар ичувчиларни тўғри йўлга солишга ҳаракат қилишганда, балки бу жиноятлар содир этилмаган бўлармиди?

• *Муносабат*

УЯТ - ЎЛИМДАН ҚАТТИҚ. АММО...

Минг бир ҳаводис гирдобида хотининнинг йўлига кўз тикиб ўтирган Рўзиқул Ҳанифани бу алфозда кўраман деб ҳечам ўйламаганди. Ярим тунда қўшнилари Ҳанифани суяб уйга олиб келишди. Унинг кийимлари йиртилган, лойга беланган, ҳамма ёғи шилиниб кўкариб кетган, гапиришга ҳам мажоли йўқ эди.

Бу ҳолатни кўриб Рўзиқул дастпаб довдираб қолди. Кейин нима бўлганлигини қўшнилардан эшитгач, жаҳлнинг зўридан ўзини қўярга жой тополмай қолди. Уят ўлимдан қаттиқ. Нега у тирик бўла туриб, оиласининг номига доғ тушиши керак экан? Рўзиқулнинг ориятя келди. «Наҳотки, кўчадаги бир тайинсиз унинг хотинини ҳақоратласа, номусини топтаса?! Унақа бета-йин зўравонларни тийиб қўядиганлар йўқ бўлса, мана ўзим ўч оламан». У шитоб билан кўчага отилди. Йўқ, у рақибини тополмади. Яхшиям тополмагани, йўқса, уни жаҳл устида тилка-пора қилиб ташлаши турган гап эди. Қўшниларнинг жўяли маслаҳатлари билан Рўзиқул зўрға ўзини босди. Ҳа, жаҳл, жаҳолат яхшиликка олиб бормайди. Бу масалани тинч йўл билан ҳал қилишга қарор қилишди. Эртасига милицияга ариза беришди.

Тезкор тергов ҳаракатлари натижасида айбланувчи Т. Юсупов барча айбларига иқрор бўлди.

Терговда аниқланишича, 1964 йилда туғилган Т.Юсупов илгари ҳам ЖКнинг 125-моддаси 2-қисми билан судланган. Лекин бундан тўғри хулоса чиқармасдан яна жиноят содир этган. Яъни унинг суддаги кўрсатмасидан маълум бўлдики, у 1998 йил 27 июнь куни «Белсинди» маҳалласига тўйга бориб, спиртли ичимликлардан тўйганича ичади. Тўйдан чиқиб уйи томон кетмоқчи бўлиб турганида йўлдан ўтиб бораётган аёлга кўзи тушади. Бутун вужуди шайтон суви таъсирида карахт бўлиб турган Т.Юсуповнинг нияти бузилади. Ғараз ниятда у аёлга эргашиб жўнайди. Натижада ушбу жиноят содир этилади. Жиноятчи қилмишига яраша жазосини олди. Суд ҳукми билан нобакор 6 йил озодликдан маҳрум этилди.

Хўш, мулоҳаза юритайликчи, ушбу жиноятни келтириб чиқарган сабаб нима?

Мазкур жиноятнинг содир этилишига олиб келган сабаблардан биринчиси Т.Юсуповнинг қаноатсизлиги ва маънавий қашшоқлиги бўлса, иккинчи сабаби маҳаллада фуқаролар устидан участка нозирининг назорати сустлиги, учинчи сабаби эса фуқаролар йиғининнинг фаолиятсизлигидир, дея баҳолаш мумкин.

Чунки жиноят ичкиликбозлик таъсирида содир этилмоқда. Бундан ташқари, жиноят ҳали кун ёп-ёруғ бўлиб турган пайтда, катта йўл ёқасида содир этилганлигини ҳисобга олсак, ушбу ҳудудга яъни «Гулистон» корпорациясига бириктирилган участка нозири ўз ишига ўта масълиятсизларча ёндошганлиги маълум бўлади.

Инсон учун энг қимматли нарса унинг ор-номуси ва қадр-қимматидир. Лекин, афсус билан айтиш лозимки, кейинги пайтларда инсон ор-номусига тажовуз қилиш жиноятининг содир этилиш ҳолатлари учраб турибди.

Аёл шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш жамиятимизнинг биринчи вазифасидир. Шундай экан, ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олиш бугунги кундаги энг долзарб вазифамиз эканлигини унитмаслигимиз керак.

Нафиса ЖЎРАЕВА,
Юқори Чирчиқ туман прокурори ёрдамчиси.

• *Прокурор минбари*

ШАЙТОН ЙЎЛДАН УРГАНЛАР

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари қонун билан ҳимоя қилинади. Ва уни бузганларни сўзсиз муқаррар жазо кутади. Лекин, минг афсуски, буни тан олмайдиган кимсалар ҳали ҳам учраб туради.

Жумладан, туман матлубот ҳиссадорлик улгуржи чакана савдо бирлашмасига қарашли 17-сон дўкон мудири Бозорбой Қаҳҳоров доно халқимизнинг, «Бировнинг ҳаққига хиёнат қилма», деган ибратли сўзини эшитмаган кўринади. Унда харидор Алижон Олиев ҳақига хиёнат қилиб, 3 дона «Русская водка» ароғи учун олиниши керак бўлган 624 сўм ўрнига 750 сўм олиб, жами харидор ҳаққидан 126 сўмни уриб қолмаган бўларди. Оқибатда эса унга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, суд ҳукми билан 37500 сўм миқдорида жарима жазоси қўлланилди.

Туман ҳудудида жойлашган «Ўзбекрус» тижорат ишлаб чиқа-риш компаниясига қарашли 95/9-сонли АЕҚШда оператор бўлиб ишлаб келган Сарвар Тоғаев ҳам текин даромад орттириш йўлида иймонини сотганлар хилидан экан. Ўтган йилнинг сентябр ойида ёнилғи харид қилиш учун келган Сайидқул Бегимқуловга нархи 38 сўмдан бўлган АИ-93 русумли бензиннинг ҳар бир литрини 40 сўмдан ҳисоблаб, 1600 сўм пул олади. Улар орасида тўлиқ ҳисоб-китоб бўлгандан сўнг вилоят ИИБ ходимлари томонидан назорат текширув эълон қилинади. Назорат текширувида шу нарса аниқланадики, оператор С.Тоғаев томонидан сотилган бензин 34 литрни ташкил қилган. Яна у харидор ҳақидан 6 литр бензин, жами 228 сўм уриб қолган. Бундан ташқари нархи 38 сўм бўлган бензинни 40 сўмдан сотиб харидор ҳақидан 80 сўм, ҳаммаси бўлиб С.Бегимқуловдан 308 сўм уриб қолганлиги аниқланди.

С.Тоғаев юқорида содир этган жинояти учун 2 йилга ахлоқ тузатиш ишига жалб этилиб, ойлик иш ҳақидан давлат фойдасига 25 фоиз ундирилиб бориш жазоси қўлланилди. Қўшимча жазо сифатида 2 йилгача савдо ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Маълумки, солиқ тизими давлатимиз хазинасининг таянчи ҳисобланади. Бироқ фуқаролар орасида «тадбиркорлик фаолияти» билан шуғулланиб, солиқ тўлашдан бўйин товлаётган кимсалар ҳам бор. 3-Боёвут ширкатлар уюшмасининг 6-ширкатида истиқомат қилувчи Одил Жўраев ҳеч қаердан рўйхатдан ўтмасдан, уйида чигитни қайта ишлаб мой чиқарувчи агрегатни ишлатиб, жами 28559 сўмлик соф даромад олган. Ушбу даромади юзасидан солиқ инспекциясига ҳисобот бермаганлиги, бу билан 9776 сўм даромад солиғи суммасини яшириб, солиқ тўлашдан қасддан бўйин товлаганлиги унга қимматга тушди, десак, янглишмаймиз.

Ходимларимиз томонидан текшириш ўтказилганида О. Жўраевнинг хонадонида 317 килограмм чигит хом-ашёси, 66 килограмм кунжара, 360 килограмм қайта ишланмаган пахта ёғи, 70 килограмм қайта ишланган истеъмол учун тайёр пахта ёғи борлиги аниқланди. Бундан ташқари ушбу кимса 1998 йилнинг 14 январидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, ўзига тегишли бўлган чигит хом-ашёсини қайта ишлаш агрегатини счетчик ўрнатмасдан, электр тармоғига улаб олган.

Пахта чигити дўконлар орқали сотилмайди. Фақат пахта тозалаш корхоналари орқали чигит қайта ишловчи заводларга юборилади. Лекин Одил Жўраев, 1997 йилнинг декабрь ва 1998 йилнинг январь ойларида терговда шахси аниқланмаган номаълум шахслардан жиноий йўл билан топилган 3 тонна, баҳоси 8010 сўмлик пахта чигитини сотиб олган.

Суд О.Жўраевнинг ишини кўриб чиқиб 45 минг сўм миқдорида жарима жазоси белгилади.

Юқорида санаб ўтилган жиноий ишлар кўпми, озми? Бизнингча битта жиноят ҳам жуда кўп. Уни камайтириш ва битта ҳам жиноят содир этилмайдиган кунларга етиш нияти билан айрим шайтон йўлдан оздирган юртдошларимизнинг қиёфасини чизгига олдик. Эл-улус уларни қўлини бигиз қилиб кўрсатсин ва ҳар бир фуқаро жиноятчиларни тўғра ўтказадиган замон ўтиб кетганлигини ҳис этиб яшасин.

Тоҳир РАЖАБОВ,
Боёвут тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.

• *Хабарлар*

Марказ очилди

Қорақалпоғистон Республикаси «Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш» жамғармаси ҳузурида «Кризис маркази» фаолият кўрсата бошлади. Марказда оиладаги болали аёлларга, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари, қўрқитиш ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бўйича тушунтириш ишлари олиб борилянти.

Ҳуқуқшунослар, адвокатлар, шифокорлар, психологлар ва бошқа мутахассисларнинг маслаҳатлари ташкил этилган. Зўрликка, қўрқитувга учраган аёл-қизлар билан ишлаш мақсадида «Ишонч» телефони орқали мулоқот ўтказилиб, уларга керакли маслаҳатлар бериб борилмоқда.

Кадрлар ўқитилмоқда

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг махсус қарорига мувофиқ 1999 йилнинг январ-феврал ойлари ҳуқуқий таълим беришнинг 2 ойлиги деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июн-даги Фармони ижроси бўйича аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар назоратдан ўтказилмоқда. Махсус гуруҳ тузилиб, Қорақалпоғистон Республикаси халқ хўжалиги тармоқларида ишловчи раҳбарлар ва мутахассисларнинг янги қабул қилинаётган қонунлар талабларини ўрганиши юзасидан ўқув машғулотлари ўтказилмоқда. Ўқув машғулотларини прокуратура, Олий Суд, Хўжалик суди, Адлия вазирлиги, Солиқ ва божхона бошқармаларининг малакали мутахассислари олиб бормоқдалар.

А.ОРТИКБОЕВ,
(Телефон орқали олинди).

• *Хабарлар*

РЕКОРД МИҚДОРДА

8 тонна Лимон ортилган «КамАЗ» Сариосиё божхона бекатида назоратдан ўтказилаётганда, божхоначилар катта «ўлжа»га дуч келишларини ўйлашмаган эди. Машинадаги юк ўта синчковлик билан текширилгач, наркотик моддалар жойлаштирилган 510 дона целлофан халтачалар топилди. Улар ўлчаб кўрилганда, салкам 51 килограмм героин, 591 килограммдан зиёд опий ва 73,5 килограмм гашиш эканлиги аниқланди. Катта жиноят йўлига тўсиқ қўйган божхоначилар бундай «ўлжа» жаҳон божхона хизмати тарихида учрамаган эди, уни Гинесснинг рекордлар китобига киритиш мумкин, дейишмоқда.

Мустақил экспертларнинг айтишича, кейинги йилларда Афғонистонда Россия ва Европа давлатлари учун мўлжалланган салкам минг тонна турли наркотик моддалар тўпланиб қолган.

Лекин Ўзбекистон божхоначилари ўз постларига хушёр туришибди. Гиёвандлик воситаларини юртимиз чегаралари орқали олиб ўтишга уринаётган жиноятчилар пайи аёвсиз қирқилмоқда.

(Хориж матбуотидан).

• *Бизнинг мусоҳаба*

БАЪЗАН БИЛИБ, БИЛМАЙ...

Ёшлар жиноятга қўл урмоқда, дейди Собир Раҳимов тумани прокурори, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Эркин АБЗАЛОВ.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб ёшларнинг таълим-тарбияси масаласига давлат сиёсатининг устивор йўналиши сифатида катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз эртаси бўлган ёшларга катта умид боғланмоқда. Дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олишлари учун шароитлар яратилмоқда. Юзлаб ёшларимиз бугунги кунда қўплаб хорижий мамлакатларда билим чўққиларини эгаллаётганлигини фахр билан тилга олишимиз мумкин.
Афсуски, айрим ёшлар ҳукуматимиз яратаётган шароитлардан фойдаланиш ўрнига жиноят кўчасига кирмоқда. Бунинг сабаблари нимада? Нега ёшлар енгил ҳаётга ружу қўйиб ўзгалар ҳаққига хиёнат қилмоқда? Собир Раҳимов туман прокурори Эркин Абзалов билан суҳбат мавзуси шу ҳакда бўлди.

- Собир Раҳимов тумани пойтахтимизда энг кўп ёшлар ўқийдиган ва яшайдиган ҳудуд. Чунки, бу ердаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида кўплаб олий ва ўрта махсус ўқув юртлари жойлашган...

-Саволингизга жавоб беришдан олдин, бир сўзни ишонч билан айтишим мумкинки, ҳеч бир давлатда бизнинг давлатимизчалик ёшларга ғамхўрлик қилинмайди. Шахсан юртбошимизнинг ташаббуси билан 1992 йил феврал ойида Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани таркибида алоҳида маъмурий ҳудуд - «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ташкил этилганди. 1995 йилда Аъзам Акрамхўжаев ана шу кичик шаҳарчага ҳоким этиб тайинланди. Бугунги кунда бу жойни фахр билан республикамизнинг ҳам илмий, ҳам тиббий кадрлар тайёрлайдиган маркази дейиш мумкин.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари ва ўқув юртлари республикамизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда ҳамда шаҳарчанинг осойишталигини сақлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, маиший хизматни яхшилаш, меҳнат билан иқтисодий аҳволини ўнгламоқчи бўлган талабаларни иш жойлари билан таъминлаш, ҳуқуқий ва маърифий тарбия соҳасида асосий мақсадларга йўналтирилган катта ишларни олиб бораяпти.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий билимни кенг ёйиш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва айниқса кейинги пайтда бир қатор шаҳарларда содир этилган ақидапарастлик, диний экстремизм кўринишларининг моҳиятини очиб бериш мақсадида туман прокуратураси ходимлари ва туман ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда барча ўқув юртлари ва талабалар уйларида махсус режа асосида учрашув, суҳбат ва очиқ мулоқотлар ташкил этилмоқда. Фақатгина 1998 йилнинг ўзида 50 га яқин учрашувлар ўтказилди. Унда 15 мингдан зиёд ёшлар иштирок этишди. Қилинган саъй-ҳаракатлар туфайли кейинги икки йил давомида талаба ва ўқувчилар томонидан барча оғир жиноятлар турлари, жумладан, қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, оғир тан жароҳатлари етказиш, гиёвандлик моддаларини сақлаш ва истеъмол қилиш каби жиноят турлари қайд этилмади.

Шаҳарчада ёшларнинг ўқишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Оммавий спорт ўйинлари, турли ёшлар клублари, бадиий

ҳаваскорлик тўгараклари ишлари йўлга қўйилган. ТошДУнинг фахри бўлган спорт жамоаси - қўл тўпи жамоаси республика биринчилиги олий лигасида, ТошДТУнинг «Лочин» футбол жамоаси мамлакат биринчилиги 2-лигасида иштирок этаётганлиги ҳамда ТошДУ-бадиий ҳаваскорлик жамоасининг Германияда бўлиб ўтган халқаро кўрикда фахрли 2-ўринни олгани бунга ёрқин мисолдир.

Айниқса, уч йилдан бери шаҳарчанинг «Ёшлар гузари»да доимий равишда ҳокимлик бошчилигида ўқув юртлари жамоалари билан биргаликда ҳар жума куни ўтказиб келинаётган «Жума оқшоми» мусиқали дам олиш ва савол-жавоб кечаси талаба ва ёшларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Бундай маданий ва маърифий тадбирлар жиноятчиликнинг олдини олишда катта рол ўйнади, десам хато қилмайман.

Лекин минг афсуслар бўлсинки, 1998 йилда 3 та талабага нисбатан жиноий иш қўзғатилган ва 33 талабага нисбатан эса маъмурий баённомалар тузилган. Туманда ҳисобот йилида вояга етмаганлар томонидан бир нечта жиноят содир этилган, бу кўрсаткич 1997 йилга нисбатан 30,9 фоизга кам бўлса-да, хотиржам ишлашимиз учун ҳали асос йўқ.

- Баъзи ёшлар ўзлари билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолмоқда. Баъзилари шўхлик туфайли, айримлари эса тўқлик сабаб. Яна бир тоифадагилар эса...

- Ҳақиқатан ҳам, ёшларнинг содир этган ҳуқуқбузарликлари сабабларини таҳлил қиладиган бўлсак, айримлари ижтимоий томондан муҳофазаланганлигига қарамасдан ғаразли ниятда ўғирликлар ва бошқа жиноятлар содир этмоқда.

1982 йилда туғилган Фазлитдин Қурбонов ва 1983 йилда туғилган Шуҳрат Турсунов1998 йил 8 январь куни кечаси «Мирзо Ғолиб» масжидига намоз ўқигани боришади. Намоз тугагач, барча фуқаролар кетганидан сўнг улар масжиддан 2 та гиламни ўғирлаб, уйларига олиб бораДилар. Ф.Қурбоновнинг отаси тижоратчи, Ш.Турсуновнинг отаси эса муҳандис вазифасида ишлайди. Ўзига тўқ оила аъзолари фарзандлари кечаси уйларига гилам олиб келганлигини кўриб ҳатто ажабланмаганлар ҳам. Олиб борилган тезкор-тергов ҳаракатларидан сўнг гилам ўғрилари ушланди ва жиноий жавобгарликка тортилди.

Юридик коллеж ўқувчиси Мирзоид Содиқов 1998 йил 2 феврал куни 1982 йилда туғилган Л.Зиганшиндан алдаш йўли билан 5650 АҚШ долларини олиб қўйган. У ўз қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилди. Ажабланарлиси шундаки, Содиқовнинг отаси хусусий корхона раҳбари, яъни оиласи моддий томондан таъминланган, бироқ фарзанди ноқобил чиқиб қолди. 1981 йилда туғилган Дмитрий Югай ва Руслан Сагдиевлар ҳеч ерда ўқимай ва ишламасдан юриб, 1998 йил 21 август куни «Нукус» кинотеатри ёнида фуқаро Муҳаммаджонованинг бўйнидан тилла занжирини юлиб олиб қочишган. Улар ҳам жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Туман прокуратураси ёшлар томонидан содир этилган ҳар бир жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш чораларини кўрмоқда. Шу билан бирга болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйсидаги мажбуриятларини бажармаётган ота-оналарни маъмурий жавобгарликка тортиш масалалари ҳам ҳал қилинмоқда.

- Эркин Меҳмонович, кейинги пайтда айрим тоифадаги ёшлар турли сабаблар туфайли гиёвандликка ружу қўйишмоқда.

- Гиёвандликка қарши кураш бугуннинг энг долзарб муаммоси эканлигини ҳеч ким инкор қилолмайди. Бу масала туман ҳуқуқни муҳофаза этувчи идора раҳбарларининг диққат эътиборида.

1998 йилда гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш 1997 йилга нисбатан 16,4 фоизга кўпайган. Гиёванд воситаларини қонунга хилоф равишда ўтказиш, ўтказиш мақсадида тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар фош этилди. Барча ушбу тоифадаги жиноий ишлар бўйича жазо муқаррарлиги таъминланди. Ўн нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Туман прокуратураси ўтган йилда психотроп ва гиёванд воситаларни сақлаш, тиббий препаратни тайёрлаш, сақлаш, сотиш қоидалари юзасидан текширишлар ўтказиб, дорихоналарда жиддий қонунбузарликларни аниқлади. Барча қонунсиз ҳолатлар бўйича тегишли прокурорлик таъсир чоралар қўлланмоқда.

Ўтган йилнинг 9 декабр куни 1981 йилда туғилган, ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган Зафар Муродиллаев «Ёшлик» шаҳарчасида 61,82 грамм марихуана билан, 1998 йил 17 декабрь куни 1980 йилда туғилган, 1- қурилиш бирлашмаси ишчиси Муҳаммад Сулаймонов 5,1 грамм гиёвандлик моддаси билан ушланди.

З.Муродиллаев ва М.Сулаймоновлар жиноий жавобгарликка тортилиш билан биргаликда уларнинг гиёвандлик хасталигидан даволаш масаласи ҳам қўйилган. Мактаб ва ўқув юртида тиббиёт ходимлари томонидан ўтказиладиган тиббий кўрикларда туман прокуратураси таклифига биноан шифокор-нарколог ҳам қатнашмоқда.

- Жиноят содир қилган ўсмир ва ёшлар билан кўп бор суҳбатлашгансиз. Уларнинг маълум қисми мавжуд қонунларимиздан бутунлай бехабар. Ўзингизга маълумки, қонунни билмаслик фуқарони жазодан халос қила олмайди.

- Республика Бош прокурорининг 1997 йил 28 майдаги «Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурорлик назоратининг самарадорлигини янада ошириш чоралари тўғрисида»ги бўйруғига биноан туман прокуратураси мунтазам равишда «Ўзбекистон Республикаси ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонуннинг ижросини текширмоқда.

Барча тезкор ходимлар тумандаги 38-мактабга бириктирилиб, ҳар ойда 1-2 марта ўқувчилар билан давра суҳбатлари, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда.

Ҳуқуқшунос олимлар ҳамкорлигида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган илмий ишлар ҳам олиб борилмоқда.

Мен бугунги ёшлар ҳақида ўйлаганимда бевосита юртбошимизнинг **«Бизнинг энг катта ишончимиз, мададтаянчимиз - бу ўсиб келаётган ёш авлодимиздир. Такроран айтаманки, мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз тақдири ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман»,** деган пурмаъно сўзлари ёдимга келади. Ҳақиқатан ҳам ёшлар юртимиз бахти. Шундай экан, ёшлар тарбияси иккиламчи иш бўлиши мумкин эмас. Бу бугунги куннинг талаби.

ЗАЙНИДДИН суҳбатлашди.

• Илму амал

ТАРОЗИ, ТАРОЗИДАН ХУДО РОЗИ

Сокингина идорада ўтириб минглаб жиноятларнинг пайини киркаётган, илоннинг ёғини ялаган, устаси фаранглари ерга кирса қулоғидан, осмонга чикса оёғидан ушлаб берувчи инсонларнинг кўзга ташланмас, камтарин меҳнати тўғрисида аввало ўзим тўкис тушунчага эга бўлиш ва бунинг баробарида Сиз азиз муштарийга ана шу нодир соҳа мутахассислари ҳакида сўзлаб бериш ниятида Республика экспертиза илмий текшириш марказига йўл олар эканман, бу даргоҳда ўкувчининг кимматли вактини олишга арзигулик бирор гап топаоламанми, деган шубха калбимни тарк этмасди. Аммо...

Аввало тарози тўғрисида. Бу ерда кўзда тутилаётган тарози бозордаги тарозидан кескин фарқ қилади. Ҳа, моҳиятан мен ҳикоя қилмоқчи бўлган тарози-тарозидир, аммо бу оддий тарозидан шаклан минг чандон мукаммал. Бозордаги тарози нари борса инсоннинг 50-100 сўм пулига хиёнат қилар, аммо бу ерда хиёнат бўлса одамнинг хонимони куйиб кетиши турган гап.

Жамият тараққий этгани сари жиноятчининг услубий ва «касбий» маҳорати юксалиб боради. Энди у Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясидаги каби оғилхонанинг орқа деворини тешиб, ҳўкизни етаклаб олиб кетмайди.

Эндиги ўғри шунақа ўғрики, у ҳеч қандай из қолдирмасликнинг барча тадорикларини кўради. Бу-ку ўғрилик экан, қотиллар, босқинчилар, иқтисодиёт жиноятчилари - улар энди анчайин интеллектуал салоҳиятга эга бўлган кишилардир. Уларни оддий мушоҳада йўли билан қўлга олиш амри маҳол.

Изқувар, терговчи изни йўқотганда, шубҳа остидаги шахсни топишга топиб, исботига муҳтож қолганда экспертиза ёрдам қўлини чўзиши ҳеч кимга сир эмас.

Кўз очиб юмгунча бир ҳатлаб XXI асрга қадам ташлаймиз. Ўзбек экспертизаси янги аср бўсағасида ибтидоий аҳволда эмасмикин? Республикамизда жиноятчиликка қарши курашда у ўзининг салмоқли сўзини айта олаётирми? Унинг техник имконияти қандай? Миқёсичи? Хуллас, саволлар кўп, жавобларчи?...

Ҳ. Сулаймонова номидаги Республика экспертиза илмий текшириш маркази раҳбари Саттор ака Отахўжаев билан қилган суҳбатимни ана шундай кайфиятда бошладим.

- Кўнглингизни чўктирманг ука, - деди Саттор ака қатъий ишонч билан. - Экспертизага оид исталган саволингизни бераверинг. Бу борада уяладиган жойимиз йўқ. Жаҳонда бармоқ билан санашга арзигулик ўринлардан биридамиз.

- Йўғ-э! Ҳазиллашаётганингиз йўқми?

Саттор аканинг кўзларидаги ўзига бўлган ишонч, унинг фахр тўйғулари бирпасда менга кўчди.

- Унда экспертизамиз тарзи ва ҳозирги аҳволи тўғрисида қисқача маълумот беришдан бошлай қолинг...

- Бажонидил. Юртимизда экспертизанинг ибтидоий шакллари изшунослик, хатшунослик, логик таққослов услублари албатта мавжуд бўлган. Масалан, Улуғбек тўғрисидаги кинодан бир лавҳасини эсланг; Али қушчи Улуғбекнинг олдига келиб, «Сизнинг дастхатингизга ўхшатиб ёзилган», деган жумлани айтади. Аммо у вақтларда юртимизда экспертиза алоҳида бир йўналиш сифатида идоравий шаклда талқин этилмаган. Бу иш дастлаб 1925 йилда Ички ишлар халқ комиссарлигида ёзувларни рўйхатга олиш бюроси таркибида ташкил этилган. Ғарб мамлакатларида эса 19-асрнинг иккинчи ярмида дастлабки лабораторияларга асос солинган эди.

1943 йилда суд-экспертиза лабораторияси юридик институти криминалистика кафедраси қошида ташкил этилган. У 1952 йилда Тошкент суд-экспертиза илмий тадқиқот лабораториясига айлантирилди. 1958 йилда шу лаборатория асосида Тошкент суд-экспертиза институти ташкил этилди. Бунда олима Ҳадича Сулаймонованинг катта ҳиссалари бўлган. Шунинг учун бу масканга у кишининг номлари берилган. Ўша пайтларда бу даргоҳда 29 та мутахасис ишлаган бўлса, ҳозир уларнинг сони 108 тага етади.

Иш турлари ҳам кескин тараққий қилди. Масалан, дастлабки йилларда ҳужжатшунослик, изшунослик, ўқотар қуроллар билан боғлиқ текшириш йўналишлар мавжуд эди. Айни кунда 37 та экспертиза мутахассислиги бўйича текширувлар ўтказмоқдамиз. Жиноят ишини холисона кўришда, тергов, суд жараёнлари сифатини оширишда, шунингдек фуқароларни турли шубҳа ва тазйиқлардан ҳимоя этишда экспертизалар сони ва сифатининг кескин ўсаётганини таъкидлаш жоиз. Мисол учун 1990 йилда 4000 та экспертиза текшируви ўтказган бўлсак, бу кўрсатгич 1996 йилда 5000 тага, 1997 йилда 6,5 мингтага етди ва 1998 йилда 7000 та текширув ўтказилди.

Бу нимадан далолат беради? Биринчидан бизнинг техник имкониятларимиз жаҳон андозалари даражасига кўтарилди. Ҳукуматимиз томонидан энг замонавий қурилмалар нақадар қиммат бўлмасин фуқароларимиз тинчлигини, ҳуқуқий муҳофазаланишларини таъминлаш учун сотиб олиб берилмоқда. Масалан Германиянинг «Лайка» фирмасининг энг замонавий микроскопи сотиб олинди. Бу асбоб суд криминалистикасида жуда асқотади. Унинг ишлаш услуби таққослашга асосланади. Масалан, қуроллардан қоладиган излар, турли қиммат баҳо қоғозларнинг ҳаққонийлиги ана шу асбоб орқали аниқланади.

1997 йилда Англиядаги Foster + freeman компаниясининг Video Spectral Comparator VSC 2000 деб номланган компьютерлаштирилган микроспектромерини сотиб олдик. Бу қурилма дунёдаги 9-қурилма бўлиб, у бизга насиб этди. Яъни бундай асбобдан фойдаланиш имкониятига дунёдаги фақат 9 тагина мамлакат эришди. Бундай асбоб Ўрта Осиё давлатлари орасида фақатгина бизда бор.

Ҳаттоки дунёнинг кўпгина ривожланган бой давлатларида ҳам бундай қурилмани сотиб олиш имконияти яратилмаган.

- Бундай кўрсатгичлардан фақат хурсанд бўлишимиз ва фахрланишимиз мумкин. Саттор ака, айтингчи, Криминалистика Марказининг энг нуфузли мижозлари кимлар?

- Аввало давлатимизнинг энг кўзга кўринган суд ва тергов ташкилотларига хизмат кўрсатамиз. Жумладан, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Прокуратура, Олий Суд тизимлари хизматига камарбастамиз. Хусусан, Солиқ идораларининг маҳсулотлар ёрлиқлари ва маҳсулотларнинг сохталаштирилганлик ҳоллари бўйича ҳам бажонидил дунё андозалари даражасида хулосалар берамиз.

- Амалга оширилаётган илмий ишларингиз тўғрисида ҳам икки оғиз гапириб берсангиз.

- Албатта биз амалий иш билан чекланиб қолмай, олаётган натижаларимиз асосида илмий ишларни ҳам муваффаққиятли йўлга қўйганмиз. Масалан, наркотик моддаларни ўрганиш борасидаги ишларимизни олайлик. Бу борадаги ишларни якунлаб, рисолалар кўринишида тайёрлаб бошқа Ўрта Осиё республикаларидаги ҳамкасбларимизга қўлланма сифатида етказиб бердик. Суд-курилиш экспертизаси бўйича компьютерлаштирилган услубни амалиётга жорий қилдик. Суд-баллистика экспертизасига оид яқин масофадан ўқ узилиши белгиларини аниқлаш билан боғлиқ мавзуни тугатдик. Автоавария натижасида пайдо бўлган майда локбуёқ заррачаларини тадбиқ этишнинг янги услубини ишлаб чиқдик.

- Балки муаммолар ҳам бордир...

- Ҳеч бир иш қилмайдиган ташкилотнинг муаммоси бўлмайди. Ишлаётган кишиларнинг муаммолари бўлиши табиийдир. Эришилган натижалардан кўнгил тўлиб, улар билан қаноатланиб қолиш тараққиётнинг тўхтаб қолишига сабаб бўлувчи асосий омилларидан биридир. Бизнинг эса олдимизда оламолам мақсадларимиз бор. Текширувларимиз аниқлиги даражасини мудом дунёдаги энг ривожланган давлатлардаги экспертиза андозалари даражасида ушлаб туриш ва текширишларнинг янги услубларини амалий ва назарий жиҳатдан ишлаб чиқишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун аввало малакали кадрларни сақлаб қолишимиз керак. Уларнинг бошқа экспертиза тизимидаги ана шу даражадаги ходимлардан маошлари 3-4 марта кам. Иш ҳажми эса, кун сайин ўсиб бораётир. Ишчилар сони эса ўша-ўша. Бу жараён бориб-бориб ишнинг сифатига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Тошкентдаги идорамизда 37 та экспертиза тури буйича текшириш ўтказмоқдамиз. Аммо вилоятлардаги бўлимларимиздаги имконият давр талаблари даражасида эмас. Уларни техник жиҳатдан жиҳозлаш масаласини ҳал қилишимиз керак.

- Аньанавий саволимизни бермай иложим йўқ. Келажакдаги режалар хусусида?..

- Мураккаб тадқиқотларни арзонга ўтказиб бўлмайди. Яъни теша билан компьютер ясашнинг ҳечам иложи йўқ. Асосан иккита мақсадимиз бор. Биринчиси, микрообъектларни текширишни дунё андозалари даражасида ўтказиш. Бунинг учун геномдактилоскопия экспертизасини жорий этиш зарур. Бу одамнинг турли майда органик моддалари - қон, соч, тер ва хокозоларига асосан шахсини аниқлаш услубидир. Бундай қурилманинг қотилларни, босқинчилар ва зўрловчиларни, тан жароҳати етказувчиларни фош этишдаги имконияти беқиёсдир.

Шу кунларда ана шундай қурилмани чет элдан сотиб олиш юзасидан тадбирий чоралар кўрилаётир. Сиз билан қилаётган суҳбатимиз бераётган имкониятдан фойдаланиб, ишимизда шунча қулайликлар яратиб берган давлатимиз раҳбари Ислом Каримовга, адлия вазирлиги раҳбариятига меҳнат жамоамиз аҳлининг чексиз миннатдорчиликларини етказишни бурчим, деб биламан.

- Саттор ака, одамлар орасида баъзида «экспертизани қўлга олган экан, номард жазодан усталик билан қутулиб қолди», деган гапларни эшитиб қоламиз...

- Аввало экспертиза бўйича республикада фақат бизнинг тизим ишлаяпти, деб ўйлаш нотўғри. Сиз айтаётган ҳолатлар аминманки бизнинг тизимда ҳеч қачон бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Чунки жиноятчига сотилиш уёқда турсин, оддий иш юзасидан йўл қўйилган хато ҳам бизда фавқулодда ҳодиса ҳисобланади. Қаердадир, кимдир, экспертиза соҳасида ишлаб ўз иймонини сотган бўлса, бунга Оллоҳнинг ўзи шоҳид. Зеро, халқимизда тарози, тарозидан худо рози, деган гап бор. Бу бозорда бўлсин, дўконда бўлсин, экспертизада бўлсин адолат ўртага қўйилганда қилинган қинғирликдан худонинг хабардорлигига ишорадир. Агар, тарозининг посонгиси тўғри олинса-ю, ундан худо рози бўлиб харидор ёки сотувчи норози бўлса, гуноҳи шу одамнинг ўзида кетади.

Маҳмуд БЎРОНОВ, журналист.



Фермерлари бой элнинг хуми тўла мой бўлар.

А.МАМАТҚУЛОВ олган сурат.

• *Мулоҳаза учун мавзу*

РАСКОЛЬНИКОВ ЯХШИ ОДАММИ?

Тасаввур қилайлик: бир одам бутун умри давомида неча киши билан танишади? Ва шу танишларидан қанчаси билан дўст бўла олади? Ёхуд бир одам қанча кишини якиндан била олиши мумкин?

Табиий, ҳали ҳеч ким бу саволларга тўла жавоб топгани йўқ. Балки, қизиқмаган ҳам. Майли, мақсадимиз бу эмас.

Ҳозир машҳур бўлиб кетган «Чархпалак» видеофильмидаги лўли хотин - Марям ёдингиздадир. У фильмнинг яна бир қаҳрамони Эгамқулга «Мен сизни биринчи кўрганимдаёқ танидим» дейди. Эгамқулнинг хотинига эса тикилиб туриб, «Йўқ, Сизни танимадим» дейди. Ҳолбуки, у булар билан илгари ҳеч учрашмаган эди.

Истеъдодли ёш хонанда Баҳодир Мамажонов биринчи кўшиклар мажмуасини «Сиз мени танийсиз» деб номлаган. Ҳар иккала ҳолда ҳам «таниш» биз билган, тушунган биринчи маънони бермаяпти.

Баҳорда қирлар қип-қизил қизғалдоқзор бўлади. Узоқдан қарасанг чиройли кўринади - қип-қизил. Яқинроқ борсанг, ораорадаги бошқа ўт-ўланлар ҳам кўриниб қолиши мумкин. Ҳаётда ҳам шундай бўлади. Ихлос кўйган, севган одамингизга қанча яқинлашсангиз, унинг феъл-атворидаги айрим қусурлардан воқиф бўласиз. Ора-чорадаги тиканни деб, қизғалдоқзор гўзаллигидан воз кечмаганингиз каби у одамдан воз кечиб кетмайсиз, албатта. Буларни ёзишдан мақсад воз кечиш ё кечмасликка ундаш эмас,- танийдиган кишиларингизни қай даражада биласиз, шу ҳақда мулоҳаза қилишга чорлашдир. Чунки, ҳар бир одам - бир олам деб бекорга айтишмаган.

Юқорида Сиз танишбилишларингизни қай даражада биласиз, деб савол бердик. Энди, айтайлик, Сизга мутлақо нотаниш бир кишини кўрсатишиб, унга нисбатан ўз муносабатингизни билдиришни сўраб қолишди. Нима қилган бўлур эдингиз? Албатта, дастлаб у кишининг қиёфаси-ю кийимига эътибор берасиз. Гарчи, қиёфа киши руҳияти ҳақида маълум даражада тасаввур бера олса-да, барибир ишончга нолойиқдир. Чунки қиёфа ўзгаради, аниқроғи, атай ўзгартирилиши мумкин. Кийим масаласига келсак, ўзингизга маълумки яхши одамга йиртиқ-ямоқ кийим кийдириб қўйсак у ёмон бўлиб қолмайди. Ёки аксинча, ёмон одам ҳаргиз чиройли кийимларга бурканмасин, уни яхши дея олмаймиз.

Демак, қандайдир бир киши ҳақида ўз хулосамизни билдириш учун бизда ўша киши ҳақида эшитиб, кўриб, ишонч ҳосил қилганимиз собиқ маълумотлар мавжуд бўлиши керак экан.

Энди атрофингизга назар ташланг. Атрофингиздаги кишилар ҳақида ўз фикрингизга эгамисиз? Шуни айтиш жоизки, биров ҳақида сизга биров берган маълумот хусусида бироз ўйлаб кўриш керак назаримда. Чунки биров ҳақида сизга маълумот бераётган киши ўз тушунча-ю тасаввурларидан келиб чиқиб маълумот беради. Адабиёт қаҳрамонларига муносабат тўғрисида гап кетганда эса, бундай деб бўлмайди. Чунки, улар ҳақида ёзувчи берган маълумотдан бошқа маълумот йўқ бизда. Ёзувчи қаҳрамон қандай бўлса шундайлигича тасвирлади, дейлик. Хулоса чиқариш ўқувчидан.

Мақола сўнгида газетхонларимизга бир савол бермоқчиман. Шуни таъкидлаш лозимки, бу савол сиздан маълум тайёргарлик талаб этади. Тўғрироғи, Сиз жаҳоннинг улуғ ёзувчиларидан Фёдор Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо» романини ўқиб чиққан бўлишингиз керак. Демак, савол:

Сиз «Жиноят ва жазо» романи қаҳрамони Родион Раскольников шахсиятига қандай баҳо берасиз? Бу хулосангизга унинг қайси хусусияту амалларини асос қилиб олдингиз?

Ҳасан НИШОНОВ.

Мутоала.

А.МАМАТҚУЛОВ сурати.

• *Ҳукм ўқилди*

БИР ДАҚИҚАЛИК САРХУШЛИК

ГУЛДЕК ЖУВОННИНГ УМРИГА ЗОМИН БЎЛДИ

Икки гўдак бири қўйиб бири чўчиб уйғонади. Энди онажониси уларни фақат тушларидагина сочларини силайди. Энгашиб ўпмоқчи, бағрига босмоқчи бўлади. Унга талпинган жажжи вужуднинг эса қўллари ҳавода муаллақ қолади. Чўчиб уйғонади-ю, инграниб, соғинчдан ўртаниб йиғлайди...

...Важоҳат билан кириб келган Аноркул отасидан қолган ов милтиғини уйдан олиб чиқди. Хотининнинг чирқиллаб йўлини тўсишига қарамай, уни турткилаб бўлиб кўчага отилди.

«Ўлдираман, ҳаммасини отиб ташлайман», аламли пичирларди унинг лаблари.

Аноркул ўзларидан бироз нарида яшайдиган «рақиби» - Ширинбойникига юриб эмас, гўё учиб боргандек бўлди. Дарвозадан кира солиб:

- Сени барибир отиб ташлайман, - дея осмонга қарата ўқ узди. Уйдан ҳеч ким чиқавермагач, жаҳл қулига айланган йигит милтиқ кўндоғи билан Ширинбой ётадиган хонанинг деразаларини уриб, чил-чил қилиб синдира бошлади. Уйнинг йўлагида кимнингдир шарпаси элас-элас кўзга ташлангандек бўлди. Аноркул уни Ширинбой бўлса керак, деб шу томонга қараб ўқ узди. Шарпа гурсиллаб ерга қулади. Қотил ичкарига кириб узала тушиб ётган одамнинг устига энгашиб, танаси музлаб кетди. У Ширинбойни эмас, унинг хотини Насибани отиб қўйганини кўриб каловланиб қолди. Сарпойчан югуриб келган хотинига қараб:

- Бор, милицияни чақир, мен одам ўлдирдим, - деди. Буларнинг барчаси бир неча дақиқалар ичида содир бўлди. Аноркулнинг ичига кириб олган оқ арақ ўзининг қора ишини қилди.

...Шу куни қишлоқда тўй бўлди. Ширинбой Эшбеков ва Аноркул Тилеубоевлар тўйда хизматда бўлишди. Икки қўшни ҳеч вақт сануманга боришмаганди.

Бир вақтлар шу қишлоқда Сайхунобод тумани «Бўстон» ширкатлар уюшмаси 3-бўлимида яшаган, кейинчалик қўшни Қозоғистоннинг Пахтаорол туманига кўчиб кетган, тўйда меҳмон бўлиб ўтирган Эрали Тўлешов Аноркулдан бир шиша арақ олиб келишни илтимос қилди. Аммо, тўй охирлаб қолганлиги боисми, арақ ҳам бахтга қарши тугаб қолган экан. Аноркул меҳмоннинг олдига боришга юраги бетламади. Тўй ҳам тугади. Меҳмонлар тарқай бошлади. Кўчага чиқса дарвоза олдида уни Эрали кутиб турибди.

- Ака, эримайсизми? - деб қолди. У бор пулини рақосага қистириб юборганлигини айтиб хижолат чекканди, меҳмон чўнтагидан 200 сўм чиқариб, унга узатди. Бу пулга улар вино олишга келишиб, Ширинбойникига қараб йўл олишди.

- Келин, ҳо келин, икки шиша вино беринг, пули нақд, - деди Аноркул. Ичкаридан эса аёл кишининг овози келди. Ҳали хонадон бекаси чиқиб улгурмаган эди Ширинбой келиб қолди. Ярим кечада қўшнисининг дарвоза ёнида турганн ёқмадими, ё Аноркулнинг Насиба ҳақидаги «менинг шундай хотиним бўлса қўйворардим» деган гаплари ёдига тушдими, тутақиб кетди. Икки эркак ўртасида можаро бошланди. Ичган одамнинг хаёлига ҳар хил гаплар келиб, ким билан жанжаллашиси келаверади. Ҳозир Ширинбой ҳам шундай ҳолатда эди.

А.Тулеубоев терговда берган кўргазмасида шундай дейди:

У онангни, отангни деб ҳақорат қилаверди. Мен унга жавоб қайтариб улгурмадим. Чунки шу пайт Қудрат келиб қолди. Акасини кўриб, кучайиб кетган Ширинбой менга ёпишиб кетди. Ура бошлади. Мен унинг қўлидан чиқиб, уйимга қочдим...

Улар мени яна тутиб уришди. Болта билан чопиб ташлаймиз, дейишди. Мен аламдан ўзимни йўқотиб қўйдим. Уйга кириб милтиқни олиб чиқдим».

Ҳатто хотининнинг «тўхтанг, ақлингизни йиғиштириб олинг» деган илтижоси ҳам уни ҳовуридан тушуролмади. Ана шундай бир дақиқалик сархушларнинг ёвлашуви гулдек жувоннинг умрига зомин бўлди. Икки норасида - бири 5, иккинчиси ҳали 2 ёшга етар-етмас бўлган гўдаклар етим қолди.

Жаҳл қулига айланган ғазабини боса олмаган Аноркул Тилеубоев эса қонун олдида жавобгарликка тортилди.

Бахтиёр ДЎСТНАЗАРОВ,
Сирдарё вилоят прокуратураси
тергов бўлими прокурори.

• *Ажаб ҳангомалар*

«ЧИПТА ОЛСАМ ДЕВАИМ» «ЧИПТА ОЛМАЙ ЧИҚАВЕР», ДЕДИ

Пойтахтимиздаги жанубий темир йўл вокзалининг рўпарасида жойлашган «Самарқанд» шаҳарлараро автобуслар қатнайдиган шоҳбекати ҳамиша йўловчилар билан гавжум бўлади. Айниқса,шанба кунлари уларнинг сони икки ҳисса кўпаяди.Чунки шу куни кўпчилик талабалар, пойтахтда вилоятлардан келиб ишлаётган ишчи-хизматчилар, борингки қариндошларини йўқлаб келиш учун йўлга чиққанлар кўп бўлади.Табиийки,барча борар манзилига шошади.

Яқинда бир танишим ушбу шоҳбекатда бошидан ўтказган бир ҳангомани сўзлаб берди.

« Қишлоққа қайтиш ниятида пойтахтдаги «Самарқанд» автошоҳбекатига бордим.Мен чиқадиган автобуснинг жўнаш вақти яқинлашгани сабабли тўғри касса томонга йўналдим.Кассага яқинлашганимда бир киши:

-Қаёққа,-деб сўради. Мен унинг ёнига бормоқчи эканлигимни тушуняпти шекилли дедимда,борар жойимни айтдим.

- Бориб ўтиравер ҳозир жўнаймиз, - деди ҳалиги киши.

Автобусга чиқиб бўш ўринлардан бирига ўтирган эдим ҳамки,бир киши келиб бу жой унга тегишли эканлигини айтиб, чиптасини кўрсатди. Начора, бошқа жойга бориб ўтирдим. Лекин негадир кўнглим хотиржам эмас эди. Худди ҳозир яна биттаси келиб, чиптасини кўрсатадигандек, ўзимни ноқулай сеза бошладим. Бунинг устига автобус ҳам жилай демайди. Охири чидай олмадим. Ўзимча «бориб чипта оламану, келиб ўзимнинг жойимга ўтираман» дедимда, автобусдан тушдим. Касса ёнига борсам ҳалиги киши мени кўриб:

- Чиқиб ўтиравер дедим-ку, - деди буйруқ оҳангида.

- Чипта олсам девдим, - дедим мен ҳам бўш келмай, - ҳар қалай, бемалол ўтирасан одам.

- Ие, қизиқ экансан-ку, бориб бўш жойга ўтиравермайсанми?

- Бўш жойларнинг эгаси чиқяптида.

- 18 «места»га бориб ўтир, бўлмаса...

Қарасам, бўлмайдиган. Иложсиз яна ортга қайтдим. Автобус ёнига келсам, эшик олдида кўкрагида қандайдир гувоҳнома осиб олган назоратчи турибди.

- Чиптангиз борми? , - сўради мендан.

- Йўқ, - дедим нафасим тиқилиб.

- Чипта олинг, бўлмаса, чиқармайман, - деди у.

Ростини айтсам ғазабим қайнаб кетди. Ўзимни зўрға қўлга олдим. Яна касса томон йўл олдим.

- Тағин, нима гап, - сўради ҳалиги киши хотиржамлик билан.

- Автобус эшиги олди-да, назоратчи турибди. Чиптасиз, қўймайман, деяпти.

- Оббо, жуда жонга тегди-да, шу назоратчилар. Ҳа, яхши катта йўлга чиқиб тургин.

Автобус бекатидан чиқаверишдаги йўл ёқасида икки-уч киши турибди. Бирдан хаёлимга келган фикрдан кулиб юбордим. Чунки улар ҳам мен каби «бодарға» қилинганлардан эди-да. Бир оз ўтмай автобус бекатдан чиқди. Мен «ўғринча» шериклар билан унга чиқиб олдим. Ҳар қалай жой ҳам бор экан. Шунисига ҳам шукр дедимда, бўлиб ўтган қизиқ ҳангомани ўйлаб кетдим».

Очиғини айтсам, танишимнинг бу ҳангомаси мен учун янгилик эмас. Чунки ўзим ҳам шу ҳолатга бир-икки тушиб кўрганман. Бироқ, токайгача бу ҳолат давом этаркин? Нега автобус ҳайдовчилари касса ёнида туриб олишади? Ниҳоят, йўловчилар қачонгача юқоридагидек «отанга бор, онанга бор» қабилидагидек сарсон бўлишади?

Ушбу саволларимизга «Самарқанд» шаҳарлараро қатновчи автобуслар шоҳбекати мутасадди раҳбарлари нима деб жавоб беришаркин?

Ж.ШАРОФБОЕВ.

Теннисимиз қалқонлари.

А.МАМАТҚУЛОВ сурати.

• Митти ҳажвиялар

Волфганг ҲАЛМ,
олмон ёзувчиси

МЕРГАН

Уч ўртоқ овга чиқишди. Улардан бири рассом, иккинчиси ўқитувчи, учинчиси эса сотувчи эди. Кўкаламзор далалар, сайҳонликларда тулки, қуён овлашиб, тўсатдан ёғочдан қилинган катта молхонага дуч келишди. Унинг эшигига кимдир бўр билан боплаб буғу расмини чизган, яна кимдир ниҳоятда мерганлик билан ўқ узиб, буғунинг кўзидан урган экан.

- Ажойиб мерган экан-а, - деди сотувчи ҳайратланиб, - қаранг кўзига теккизибди-я.

- Ким бўлди экан бу мерган? Бу атрофда бундай қарағай мерган йўқ эди, - деди ўзича ўқитувчи.

- Бу ўқни мен узганман, - деди рассом бамайлихотир.

Ҳамроҳлари кулиб юборишди.

- Ол-а, ёлғонни ҳам қийворасанда. Ўн қадамдан сувчелакка теккизолмаган одам буғунинг кўзидан урармидинг.

- Ишонмасанглар ишонманглар, аммо бу ўқни ҳақиқатан ҳам мен отганман, фақат аввал ўқ узганман, кейин эса буғунинг расмини чизганман холос.

ҒАЛАТИ ҲОЛ

Моника бир рассом йигит билан танишиб қолди. Йигитнинг касби Моникани қизиқтирмасада, аммо ўзи қизга жуда ёқиб қолганлиги сабабли улар тез-тез учрашадиган бўлишди.

- Рассомман деб мақтанасизу, аммо бирон марта ижодхонангизни кўрсатай демайсиз, деди қиз бир куни эркаланиб. - Бир куни обориб кўрсатинг, чизган расмларингизни жудаям кўргим келяпти.

Хурсанд бўлиб кетган йигит эртасигаёқ қизни ўз ижодхонасига таклиф этди. Ишхонаси турли расмлар билан тўла эди. Бурчакда турган бир аёл сурати қизнинг нигоҳини ўзига жалб этди.

- Вой, манави таъвия ким? Нега бунақа бадбашара, ажинага ўхшаган аёлларнинг расмини чизасиз? Нима, чизаман десангиз, фариштадек гўзал, ёноқлари нақшин олмадек қизлар қуриб кетганми? - деди Моника ўзини кўз-кўз қилиш учун сочларини силар экан.

- Ке... кечирасиз, бу менинг опам, - деди йигит дудуқланиб.

- Шунақами, вой ўлмасам, нега бу суратни бунчалар чеккага тиқиб қўйибсиз? Ўртага, кўзга ташланиб турадиган жойга қўйиш керак. Қаранг, опангиз сизга жудаям ўхшаб кетар экан-а.

Олмон тилидан
Й.ПАРДАЕВ таржима қилган.

КРОССВОРД



Энига: 1.Қашқадарё вилоятидаги туман. 5.Самарқанд вилоятидаги шаҳар. 8.Шерик,ҳамсуҳбат. 9.Таркидунё қилган одам. 10.Шаънга нолойиқ хатти-ҳаракат. 11.Сеҳр-жоду. 14.Номозга чорлов. 17.Булгаковнинг машҳур асари қаҳрамони. 19.Араб имлосидаги ҳарф. 20.Бебаҳо неъмат. 21.Халқ, элат. 22.Машҳур япон фирмаси. 23.Вақт бирлиги. 25.ФТР ютуғи. 26.Араб имлосидаги ҳарф. 28.Дўст,ўртоқ. 31.Мусулмонлар жамооаси. 34.Ўғил болалар исми. 35.Осиёдаги давлат. 36.Хориж автомобили. 37.Устоз, муаллим. 38.Германиядаги шаҳар.

Бўйига: 1.Хазина. 2.Сайёра номи. 3.Қазилма бойлик. 4.Ишхона, идора. 5.Диний сабоқ берувчи аёл. 6.Африкадаги давлат. 7.Қадимги Ҳиндистондаги энг паст табақа. 12.Европадаги миллат. 13.Яқин қариндош. 15.Сувга берилган ижобий таъриф. 16.Қаршининг тарихий номи. 17.Диний илм аҳли. 18. Жарима. 24. Кичик осиёнинг тарихий номи. 25.Онанинг шевада аталиши. 26.Ҳиндистонлик гроссмейстер. 27.Иззат - .... 29.Табиат ҳодисаси. 30.Жуда ўхшаш. 31.«Кичик ҳаж». 32.Эҳромлар диёри. 33.Осиёдаги миллат.

Тузувчи Ҳ.НОМОЗОВ.

Газетанинг 1999 йил, 27 январ сонида эълон қилинган кроссворд жавоблари:

Энига: 1.Аризона. 4.Мастлик. 9.Виза. 10.Амир. 11. Милиция. 14.Атлас. 15.Бар. 16.Наган. 19.Микроб. 20. Жараён. 24.Рация. 25.Кит. 26.Биржа. 30.Триллер. 23.Нидо. 33.Асаб. 34.Латофат. 35.Биродар.

Бўйига: 1.Адвокат. 2.Имзо. 3.Нозир. 5.Архив. 6.Лима. 7.Корхона. 7.Охират. 12.Санкция. 13.Магазин. 17.Қон. 18.ДАН. 21.Арсенал. 22.Киллер. 23.Баробар. 27.Ариза. 28.Тепки. 29.Одат. 31.Асад.

• Криминал

Халоскор - радиотелефон

Босқинчилар томонидан ваннахонага қамаб қўйилган уч нафар аёл жабрланишдан ва буюмлари ўғирлаб кетилмаслигининг йўлини топишди.

Санкт-Петербург шаҳридаги Астафев кўчасида жойлашган уйлардан биридаги хонадонни тунашни мўлжаллаган уч босқинчи қулай фурсатни пойлаб туришарди. Ниҳоят, эшик очилиб, остонада уй соҳибаси кўринди. Ёшгина аёл ақлу-ҳушини йиғишга улгурмасдан, рўпарасидаги кимсалар уни итариб уйга киргизишди ва эшик беркитилди. Чақирилмаган «меҳмон»лар ичкарида яна икки нафар қизга дуч келишди. Ўғрилар вақтни бой бермасдан, уларни қўлларини боғлаб, ваннахонага қамаб қўйишди ва қимматбаҳо буюмларни топишга киришиб кетишди.

Қизлар бир амаллаб уй соҳибасининг қўлини ечишди. У эса чўнтагидан радиотелефонни олдию, милицияга қўнғироқ қилди. Бир неча минут ичида етиб келган изқуварлар босқинчиларни жиноят устида қўлга олишди. Омади келмаган ўғриларнинг эса 02 га ким зудлик билан хабар берганлигини тушунолмай бошлари қотди.

Шаршара.

А.МАМАТҚУЛОВ олган сурат.

Саккиз ёшли Акмарал қидирилмоқда

1998 йил 19 сентябрга ўтар кечаси Сирдарё тумани «Сирдарё» ширкатлар уюшмасининг «Гигант» бўлимидан 1991 йилда туғилган, миллати қозоқ, Иброгимова Акмарал номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилган. Ҳозирги кунга қадар унинг қаердалиги номаълум бўлиб қолмоқда.

Ушбу қизчани кўрган ёки кейинги тақдири ҳақида бирор нарса билган фуқаролардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёки Сирдарё вилоят ИИБга 25-22-72, 25-21-77 ва вилоят прокуратурасига 25-48-41, 25-19-20 телефонлари орқали хабар беришларини сўраймиз.

А.Иброгимованинг белгилари ва кийимлари:

Бўйи 75-80 см, тўладан келган, сочи қора калта қирқилган, устида қизил гулли, оқ рангли кўйлак бўлган.

• Хандалар

Ёзувчи Детлев фон Лилиенкрон доимо танқидчилардан нолиб юрарди. Бир куни у дўстига деди:

- Танқидчилар билан товуқлар ўртасида қандай фарқ бор, биласанми?

- Билмадим, - деди ўртоғи бош чайқаб.

- Билмасанг эшит! - деди Лилиенкрон, - товуқлар гўнг уюмини титиб-титиб битта дон топишса қақалаб юборишади. Танқидчилар эса бунинг тескариси, дон уюмини титиб-титиб, озгина ахлат топишса, оламга жар солишади.

***

Бир хоним профессордан маслаҳат сўради:

- Нима қилишим керак? Эримнинг аҳволи мени жуда ташвишга солмоқда.

- Хўш, унинг қаери оғрийди, нимадан шикоят қилади?

- Биласизми, профессор, баъзан соатлаб гапирсам ҳам у ҳеч нарсани эшитмайди.

- Бу касаллик эмас, хоним. Бу худонинг иноятидир. Шундай бахтиёр кишилар ҳам бор-а, жаҳонда.

Йўлдош ПАРДА
тайёрлаган.

• Турфа олам

Икки ғилдиракли транспорт

Бугунги кунда дунё бўйича қанча велосипед бор? Буни ҳамма ҳам билавер-маса керак. Маълумотларга қараганда сайёрамизда 800 миллион велосипед бор экан. 1990 йилнинг охирида икки ғилдирақли транспорт ўзининг 150 ёшини «ни-шонлади». Бу транспортни 1840 йил шотландиялик Кирпатрик Мак Миллин яратиб, кўчага ҳайдаб чиққан. Ўзбекистонга у «шайтон арава» номи билан XX асрда кириб келган.

Никоҳ узуги ва келиннинг оқ либоси

Келин-куёв никоҳини никоҳ узугисиз тасаввур этиш қийин. Ҳақли савол туғилиши табиий, бу анъана қачон пайдо бўлган. Ўнг қўлдаги тўртинчи бармоққа узук тақиш қадимги Мисрда одат тусига кирган экан. Ўшанда фиравнлар тўртинчи бар-моқни юрак клапанлари билан алоқаси бор деб ҳисоблашган.

Келинларнинг оқ либосига келсак, бу никоҳ кийимини биринчи марта 1558 йили Мария Стюарт қирол Франциско иккинчига никоҳланганда кийган. Бунгача эса Оврўпада келинлик либоси қип-қизил рангда бўлган экан.

Ҳусусий эълон

УЙ СОТИЛАДИ

Мирзо Улуғбек тумани Печорский (Мойлисой) кўчаси 65-уй. Кенг ҳовлили, ҳовлига машина киради. 5 хонадан иборат.

Мўлжал: Кабель заводи. 17-троллейбусниг охири.

Тўлиқроқ маълумот учун: 162-95-35 телефон рақамига шанба-якшанба соат 9.00 дан - 22 гача, бошқа кунлари соат 17.00 дан кейин қўнғироқ қилинг.

Мустақиллик ҳуқуқ демакдир
Ҳуқуқ
ЮРИДИК ГАЗЕТА
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида»журнали

Манзил: Тошкент шаҳри, академик Яҳё Ғуломов кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.

Бош муҳаррир: Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: Асрор Аҳмаджонов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Мэлс Наимов, Орипжон Холматов, Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев.
Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.Кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

«Ҳуқуқ» оригинал макети.
Сотувда эркин нархда.
Навбатчи: М.Боллиева
1 2 3 4 5 6

Газета таҳририят компютер марказида PENTIUM - II mmx компютерида саҳифаланди.
«Шарқ» НМКда босилди. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси - 41.
Нусхаси - 21591. Буюртма Г-0143.
«Ҳуқуқ» андозаси.Қоғоз бичими А-3.
Босишга топшириш вақти: 20.00
Босмахонага топширилди: 19.00